

## ЎЗБЕКИСТОН АВТОБОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ЎРНИ

**Турдигеков Юсуф Ибрагимович**

*Самарқанд Давлат Архитектура Қурилиш Институти катта ўқитувчиси*

**ARTICLE INFO.**

**Калим сўзлар:**

Автотранспорт воситалари, юк автомобили, енгил автомобиль, автобус, автобозор, автотранспорт воситалари маҳаллий бозори, автотранспорт воситалари бирламчи бозори, автотранспорт воситалари иккиласми бозори.

**Аннотация**

Ушбу мақолада миллий автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш тармоғи – автосаноатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши хамда унинг миллий автобозорнинг ривожланишидаги ўрни ҳакида сўз юритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

**Кириш.** Мустақилликка эришгандан кейин миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг натижаларидан бири – янги саноат тармоғи – автомобилсозликнинг вужудга келиши ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, тез тиббий ёрдам ва ёнғин ўчириш каби маҳсус автомобиллар ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятини йўлга қўйишган ва улар миллий автосаноатни ташкил қилишади. Миллий автосаноат автобозорни сифатли, ишончли ва рақобатбардош маҳсулот билан тўлдириб боришимоқда.

Ўзбекистон автосаноатининг ривожланишини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқаришини таҳлил қилиш натижалари асосида миллий ва халқаро автобозордаги унинг ўрни баҳоланади ва уни яхшилаш бўйича, истеъмолчиларнинг автомаҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Миллий автосаноатнинг ҳолат таҳлили бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан илмий жиҳатдан кам ўрганилган. Бу соҳа бўйича миллий иқтисодчи-тадқиқотчилар Н.А.Абдурашидова, Д.Г.Мамаджоновлар ўз илмий изланишларини олиб боришган.

Миллий автомобиль саноатининг ривожланиш ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда тараққиёт истиқболларини белгилаш усуллари тўғрисида Н.А.Абдурашидова “Автомобиль саноатининг рақобатбардошлигини оширишда бенчмаркингдан фойдаланиш” номли мақоласида фикр юритган. Унда автобозорда рақобатбардошликини оширишда бенчмаркингдан кенг фойдаланиш таклиф қилинган [1].

Д.Г.Мамаджонов “Автомобиль саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини ошириш ва уни бошқариш” номли мақоласи автомобиль саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқариш ва таркибий тузилишини тадқиқ қилиш муаммоларига бағишиланиб, уни миқдоран

ўлчаш масаласига услубий ёндашув амалга оширилган. Автомобиль саноати корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолаш натижасида инновацион фаолият даражасини ўлчаш, инновацион салоҳиятни шакллантириш стратегиясини танлаш ва амалга ошириш борасида таклифлар ишлаб чиқилган [2].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот ишида индукция ва дедукция, анализ ва синтез, мантикий ёндашув, қиёсий таҳлил каби усуулардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Автотранспорт воситалари бозор қийматининг шаклланишида бирламчи омил бўлиб бозордаги талаф ва таклиф ҳисобланади.

Автотранспорт воситалари бозори – бу тайёр автотранспорт воситаларини пул маблағлари ёки унинг эквивалентига айирбошлиш мақсадидаги бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар йифиндиси. Автотранспорт воситалари бозорининг обьекти бўлиб тайёр автотранспорт воситалари ҳисобланади. Автотранспорт воситалари бозорининг субъектлари эса қўйидагилар:

1. Талаф вакиллари: уй хўжаликлари (жисмоний шахслар), шунингдек тижорат ва давлат ташкилотлари (юридик шахслар).
2. Таклиф вакиллари: автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари (саноат корхоналари) ва автотранспорт воситалари сотувчилари (автотранспорт воситалари дилерлари).
3. Давлат (Хукумат).

Автотранспорт воситалари бозори турли белгилари бўйича таснифланади:

1. Автотранспорт воситасининг ҳолати бўйича:
  - ✓ Янги автотранспорт воситалари бозори (автотранспорт воситаларининг бирламчи бозори).
  - ✓ Ишлатилган автотранспорт воситалари бозори (автотранспорт воситаларининг иккиласи бозори).
2. Худудий белгилари бўйича:
  - ✓ АҚШ бозори.
  - ✓ Япония бозори.
  - ✓ Хитой бозори.
  - ✓ Россия бозори.
  - ✓ Ўзбекистон бозори ва х.к.
3. Автотранспорт тури бўйича:
  - ✓ Енгил автомобиллари бозори.
  - ✓ Автобуслар бозори.
  - ✓ Юк ва маҳсус автомобиллар бозори.

Мустақилликка эришгандан кейин миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг натижаларидан бири – янги саноат тармоғи – автомобилсозликнинг вужудга келиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда енгил автомобилларнинг ишлаб чиқарилиши 1996 йилда “UzDaewooAuto” Ўзбек-Жанубий Корея компаниясининг ташкил этилиши билан бошланган. 1993 йилнинг мартада “UzDaewooAuto” Ўзбек-Жанубий Корея қўшма корхонаси ташкил этилган бўлиб, 1996 йилнинг 19 июлида Асакадаги автомобиль заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

2008 йил 21 февралида Асаканинг автомобиль заводида янги қўшма корхона “GM Uzbekistan” АЖ ташкил этилди. Бу корхона “Ўзавтосаноат” АК “General Motors” корпорацияси билан ҳаммуассислиқда ташкил этилди.

Маҳаллийлаштириш ва импортнинг ўрнини босиш Дастури доирасида тармоқда автомобиль кузовининг қисмлари, бамперлар, салоннинг ички қопламалари, ўриндиқлар, инструментал панеллар, жгут ва ўтказгичлар, ёқилғи баклари, фидираклар, каталитик нейтрализаторлар ва аккумуляторлар ишлаб чиқарилиши маҳаллийлаштирилди.

Автотранспорт воситаларига бўлган ички эҳтиёж асосан миллий автосаноат тармоғи ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан қондирилади. Бугунги кунда соҳада ишлаб чиқарувчилар “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси доирасида бирлаштирилган ва бевосита 28 мингдан ортиқ ишчи ўринларга эга 85 дан ортиқ тармоқ корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, 200 дан ортиқ чет эл корхоналари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

“Ўзавтосаноат” АК қуидаги тармоқларга бўлинади:

- **Асосий ишлаб чиқариш компаниялари** – “UzAuto Motors” АЖ (ш.ж., Хоразмдаги филиали), “SamAuto” МЧЖ, “Uz Truck and Bus Motors” КК МЧЖ, “UzAuto Motors Powertrain” АЖ, “UzAuto Trailer” МЧЖ, “Жиззах автомобиль заводи” МЧЖ.
- **Комплект деталлар таъминотчилари** – соҳалар учун импорт товарлари ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарувчи локализация корхоналари.
- **Сотиш ва сервис хизматлари билан шуғулланувчи компаниялар, шу билан бирга лизинг компанияси** (“Avtosanoat Invest” МЧЖ, “Uzavtosanoat Leasing” МЧЖ).

**Олий таълим муассасаси:** Турин политехника университети.<sup>1</sup>

Қуидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида 2010 – 2021 йиллардаги автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ҳажми таҳлил қилинган (1-жадвал).

#### **1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2010 – 2021 йиллардаги автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ҳажми<sup>2</sup>**

Йиллар	Автотранспорт воситаси тури	Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Улуши, %	2010 йилга нисбатан ўсиш суръати, %	Йиллик ўсиш суръати, %
2010	<b>Жами</b>	<b>219 833</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
	Енгил автомобиллар	217 733	99,0	100,0	100,0
	Автобуслар	1 268	0,6	100,0	100,0
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	832	0,4	100,0	100,0
2011	<b>Жами</b>	<b>223 825</b>	<b>100,0</b>	<b>101,8</b>	<b>101,8</b>
	Енгил автомобиллар	222 022	99,2	102,0	102,0
	Автобуслар	964	0,4	76,0	76,0
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	839	0,4	100,8	100,8
2012	<b>Жами</b>	<b>241 476</b>	<b>100,0</b>	<b>109,8</b>	<b>107,9</b>
	Енгил автомобиллар	237 154	98,2	108,9	106,8
	Автобуслар	1 717	0,7	135,4	178,1
	Юк ва бошқа маҳсус	2 605	1,1	313,1	310,5

<sup>1</sup> <https://uzautosanoat.uz> (“Ўзавтосаноат” АЖ расмий сайти маълумотлари)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида мувалиф ишланмаси.

	автомобиллар				
2013	<b>Жами</b>	<b>251 342</b>	<b>100,0</b>	<b>114,3</b>	<b>104,1</b>
	Енгил автомобиллар	246 002	97,9	113,0	103,7
	Автобуслар	1 774	0,7	139,9	10,3
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	3 566	1,4	428,6	136,9
2014	<b>Жами</b>	<b>250 710</b>	<b>100,0</b>	<b>114,0</b>	<b>99,7</b>
	Енгил автомобиллар	245 660	98,0	112,8	99,9
	Автобуслар	2 588	1,0	204,1	145,9
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	2 462	1,0	295,9	69,0
2015	<b>Жами</b>	<b>190 460</b>	<b>100,0</b>	<b>86,6</b>	<b>76,0</b>
	Енгил автомобиллар	185 400	97,3	85,1	75,5
	Автобуслар	754	0,4	59,5	29,1
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	4 306	2,3	517,5	174,9
2016	<b>Жами</b>	<b>92 577</b>	<b>100,0</b>	<b>42,1</b>	<b>48,6</b>
	Енгил автомобиллар	88 152	95,2	40,5	47,5
	Автобуслар	908	1,0	71,6	120,4
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	3 517	4,8	377,4	88,7
2017	<b>Жами</b>	<b>145 082</b>	<b>100,0</b>	<b>66,0</b>	<b>156,7</b>
	Енгил автомобиллар	140 247	96,7	64,4	75,6
	Автобуслар	1 057	0,7	83,4	140,2
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	3 778	2,6	454,1	107,4
2018	<b>Жами</b>	<b>225 846</b>	<b>100,0</b>	<b>102,7</b>	<b>155,7</b>
	Енгил автомобиллар	220 667	97,7	101,3	157,
	Автобуслар	949	0,4	74,8	89,8
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	4 230	2,9	508,4	112,0
2019	<b>Жами</b>	<b>277 967</b>	<b>100,0</b>	<b>126,4</b>	<b>123,1</b>
	Енгил автомобиллар	271 113	97,5	124,5	122,9
	Автобуслар	1 534	0,6	121,0	161,6
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	5 320	1,9	639,4	125,8
2020	<b>Жами</b>	<b>284 885</b>	<b>100,0</b>	<b>129,6</b>	<b>102,5</b>
	Енгил автомобиллар	280 080	98,3	128,6	103,3
	Автобуслар	642	0,2	50,6	41,9
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	4 163	1,5	500,4	78,3
2021	<b>Жами</b>	<b>241 862</b>	<b>100,0</b>	<b>110,0</b>	<b>84,9</b>
	Енгил автомобиллар	236 667	97,9	108,7	84,5
	Автобуслар	1 003	0,4	79,1	156,2
	Юк ва бошқа маҳсус автомобиллар	4 192	1,7	503,8	100,7



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2010 – 2021 йиллардаги автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш динамикаси**

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатди, Ўзбекистонда 2010 – 2021 йилларда автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ҳажм жиҳатдан динамик тарзда ўзгарган (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда 2010 йилда 219833 дона автотранспорт воситалари, шу жумладан 217733 дона енгил автомобиль, 1268 дона автобус ва 832 дона юк ва бошқа маҳсус автомобиллар ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилда эса жами 241862 дона автотранспорт воситалари, шу жумладан 236667 дона енгил автомобиль, 1003 дона автобус ва 4192 дона юк ва бошқа маҳсус автомобиллар ишлаб чиқарилган, яъни автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 10%га ошган, лекин 2020 йилга нисбатан 15,1%га пасайган. 2010 йилда жами автотранспорт воситаларининг таркибида енгил автомобиллар 99,0%, автобуслар 0,6%, юк ва бошқа автомобиллар 0,4%ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич енгил автомобиллар 97,9%, автобуслар 0,4%, юк ва бошқа автомобиллар 1,7%ни ташкил қилган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, “Ўзавтосаноат” АКнинг ишлаб чиқариш жараёни бозордаги талабга мослашган (эгилувчан) бўлиб, талаб ошса, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам оширилади ва аксинча, талаб камайса, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кисқартирилади.


**2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2010 – 2020 йиллардаги енгил автомобилларнинг сотилиши ҳажми (бирламчи бозор)<sup>3</sup>**

Кўрсаткичлар	2020 йилда ўзгариш, %											
	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2010 га нисбатан
Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2010 га нисбатан

<sup>3</sup> <https://auto.vercity.ru> Интернет-портал VERcity (Европа бизнеси ассоциацияси (АЕБ) автоишлаб чиқарувчилар комитети томонидан тақдим қилинган) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Енгил автомобиллар	144 675	117 590	127 279	157 783	165 171	180 018	115 342	118 879	203 680	267 954	276 051	190, 8	153, 3	103, 0
--------------------	---------	---------	---------	---------	---------	---------	---------	---------	---------	---------	---------	--------	--------	--------

### Ўзбекистон Республикасида 2010 – 2020 йиллардаги енгил автомобилларнинг сотилиш динамикаси



### 2-расм. Ўзбекистон Республикасида 2010 – 2020 йиллардаги енгил автомобилларнинг сотилиш динамикаси

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда енгил автомобиллар сотилиш ҳажми йиллар давомида ўзгариб турган. 2010 йилда 144675 дона автомобиль сотилган бўлса, 2015 йилда 180018 дона сотилган, 2020 йилда эса 276051 дона енгил автомобиль сотилган. 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 90,8 фоизга, 2015 йилга нисбатан 53,3 фоизга ва 2019 йилга нисбатан 3,0 фоизга кўп автомобиль сотилган.

2020 йил мобайнида 170,7 млн. долларлик енгил автомобиллар (18 552 дона), 14,4 млн. долларлик автобуслар (217 дона) ва 11,9 млн. долларлик юк машиналари (780 дона) экспорти амалга оширилди. 2020 йилда Қозоғистонга 168,6 млн. долларлик, Озарбайжонга 7,2 млн. долларлик, Афғонистонга 5,7 млн. долларлик, Қирғизистонга 4,9 млн. долларлик ва Россия Федерациясига 3,6 млн. долларлик автотранспорт воситалари экспорт қилинган.

Юртимизнинг автосаноат соҳасида амалга оширган ташқи импорт қийматларига эътибор берадиган бўлсақ, 2020 йил мобайнида жами 1 838,3 млн долларлик автотранспорт воситалари импорт қилинди, бу эса ўз навбатида 2016 йилга нисбатан импорт ҳажми 2,1 баробарга ошганини кўрсатиб берса, 2019 йилга нисбатан 13 фоизга камайишга эришилганини тасдиқлади.<sup>4</sup>

Ўзбекистонда автосаноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, асосан аҳоли эҳтиёжига қаратилган бўлиб, аҳолининг асосий қисми “Ўзавтосаноат” АК томонидан чиқарилган енгил автомобилларини ҳарид қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда<sup>5</sup>, Ўзбекистонда 100 та уй хўжалигига 2010 йилда 21 та, 2015 йилда 42 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, 2020 йилда 49 та енгил автомобиль тўғри келган. Жаҳон банки маълумотларига қараганда эса, 189 та жаҳон мамлакатлари ичida Ўзбекистон 121-уринда турибди (ҳар минг кишига 65 та енгил автомашина)<sup>6</sup>. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг автомобиль бозори ҳозирча тўйинган эмас ва бу борада миллий автосаноатни такомиллаштириш бўйича қилинадиган ишлар жуда кўп.

**Хуноса ва таклифлар.** Миллий автобозорни ривожлантиришда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ўрни муҳимдир. Миллий автосаноат тармоғи корхоналари ишлаб чиқариш

<sup>4</sup> Мир Ахмедова М. Иктисадий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази шархи: 5 йил ичida Ўзбекистонда автомобильсозлик саноатининг ривожланиши // <https://review.uz/oz/post/obzor-centra-ekonomiceskix-issledovaniy-i-reform-razvitiye-avtomobilnoy-promshlennosti-uzbekistana-za-5-let>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 – 2021 йй. маълумотлари. // <https://www.stat.uz>

<sup>6</sup> [http://ru.wikipedia.org/wiki/Список\\_стран\\_по\\_количеству\\_автомобилей\\_на\\_1000\\_человек](http://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран_по_количеству_автомобилей_на_1000_человек)

ҳажмлари йилдан-йилга ошиб борган ва 2021 йил яқунлари бўйича 241862 дона автотранспорт воситалари ишлаб чиқилган, шундан 236667 донаси унгил автомобиль, 1003 дона автобус ва 4192 дона юк ва бошқа автомобиллар ташкил қилган.

Миллий автобозорни ривожлантириш учун автосаноат корхоналари ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини ички ва ташқи бозор истеъмолчиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга қаратган холда такомиллаштириш лозим. Миллий автомаҳсулотларимиз нафакат мамлакат, балки жаҳон бозорида нуфузли ўринларни эгаллашига қаратилган чуқур маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва миллий автосаноатни тараққий этиш бўйича мукаммал стратегия ишлаб чиқиши ҳамда шу стратегия асосида чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Мамлакатимиздаги автомобиль саноатини ривожлантириш учун, энг авваламбор, кучли кадрлар потенциалини шакллантириш лозим, яъни жаҳон автобозорида рақобатлашишга қодир кадрлар – лойиҳачилар, дизайнерлар, конструкторлар, муҳандислар, маркетологлар, менежерлар этиштириб берадиган автосаноат соҳаси олий таълим муассасаларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдурашидова Н.А. Автомобиль саноатининг рақобатбардошлигини оширишда бенчмаркингдан фойдаланиш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2021 йил. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/28\\_Abdurashidova.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/28_Abdurashidova.pdf)
2. Мамаджонов Д.Г. Автомобиль саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини ошириш ва уни бошқариш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22\\_Mamadjanov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22_Mamadjanov.pdf)
3. Мир Аҳмедова М. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази шарҳи: 5 йил ичида Ўзбекистонда автомобильсозлик саноатининг ривожланиши.- Т.: Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, 2021. <https://review.uz/oz/post/obzor-centra-ekonomiceskix-issledovaniy-i-reform-razvitiye-avtomobilnoy-promshlennosti-uzbekistana-za-5-let>
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 – 2021 йй. маълумотлари. // <https://www.stat.uz>
5. Интернет-портал VERcity Европа бизнеси ассоциацияси (АЕБ) автоишлаб чиқарувчилар комитети маълумотлари.// <https://auto.verity.ru>